

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил июль ойининг 16 куни, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режими орқали, раислик қилувчи: Д.Хонбўтаева, ҳайъат судьялари: Ж.Каримов ва Ф.Рахмановдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Р.Йўлдошовнинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Л.Хамраев, маҳкум Т.Иргашевнинг ҳимоячиси адвокат Ш.Махаматкуловларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2022 йил 25 мартдаги ҳукми ҳамда Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 20 апрелдаги ажрими устидан маҳкум Т.Иргашев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Махаматкуловлар томонидан келтирилган шикоят асосида жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2022 йил 25 мартдаги ҳукмига кўра:

1985 йил 29 май куни Самарқанд вилояти Оқтош шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг 2009 йил 3 июндаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган, “Sifat invest izvest” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлайди, “Оқтош” шаҳри И.Равшанов кўчаси 2-уй 12-хонадонда яшайди, иш бўйича 2022 йил 25 март кунидан бошлаб “қамок” да сақланмоқда, айблов далолатномаси ва суд қарорлари нусхасини қонунда белгиланган муддатларда олган Иргашев Тимур Турсунович (Irgashev Timur Tursunovich)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисми билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш қилиш жазосига судланиб, суд залидан қамокқа олинган.



Хукм қонуний кучга киргач, судланувчи Т.Иргашевдан жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланмасдан қолган 70.922.000 сўмни “Худудгаз-Навоий” газ таъминоти филиали фойдасига ундириш белгиланган.

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 20 апрелдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисми билан тайинланган 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 57-қўлланилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, ЖКнинг 62-моддасига асосан, Т.Иргашевнинг 2022 йил 25 мартдан 2022 йил 20 апрель кунига қадар қамокда сақланган 26 кунининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштирилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 2 ой 18 куни ўталган ҳисобланиб, ўташ учун 2 йил 9 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Навоий вилоят ҳудудий бўлими депозит шахсий ҳисоб рақамига тўланган 70.925.000 сўм пуллар “Худудгаз-Навоий” газ таъминоти филиали фойдасига ўтказилиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, маҳкум Т.Иргашев Т.Иргашев “Sifat invest izvest” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб келиб, корхонага қарашли бўлган Навоий шахри, “Электрокимё завод” ҳудудида жойлашган “Охактош куйдириш” цехида фойдаланилган газ ҳажмларини ҳисоб-китобини амалга ошириш учун ўрнатилган СТГ-80/400 (№19206), БК (№08436) русумли электрон газ ҳисоблагичнинг ўзгариш коэффициенти кўрсаткичини 26.07.2021 йилдан бошлаб 0,1 м³/импульсга 2021 йил 11 августга қадар ўзгартирилиши оқибатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 125 “а” кичик бандида кўрсатилган қоида бузиб, газдан ноқонуний фойдаланиб келиши натижасида “Худудгаз Навоий” филиали манфаатларига 190.922.000 сўмлик жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Маҳкум Т.Иргашев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Махаматкуловлар тафтиш шикоятда, Т.Иргашевнинг айблилиги ҳақида баҳс юритмаган ҳолда, апелляция инстанциясининг ажрими билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини айбланган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосига ўзгартиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича раислик қилувчи Ф.Раҳмановнинг маърузасини, прокурор Л.Хамраевнинг суд қарорини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, адвокат Ш.Махаматкуловнинг тафтиш тартибида келтирилган шикоятни қаноатлантириб, Т.Иргашевга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини жарима жазосига алмаштириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш шикоятда келтирилган вазиятни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг қарорини ўзгартирган апелляция инстанциясининг ажримини ўзгаришсиз,



тафтиш тартибида берилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Маҳкум Т.Иргашевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этишдаги айби, жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган далиллар мажмуи, яъни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова хужжатлар, “Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали мутахассислари ҳамда “Ўзнефтгазинспекция” Бухоро ҳудудий бўлими мутахассисларининг ўрганиш маълумотлари, хулоса ва унда йиғилган хужжатлар, иш бўйича “Тест Газ Сервис” масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 16 августдаги “Sifat invest izvest” масъулияти чекланган жамиятига қарашли оҳак ишлаб чиқариш цехига ўрнатилган СТГ-80/400 (№19206), БК (№08436) русумли электрон газ ўлчагичда ўтказилган эксперт қиёслов хулосаси ва ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Судлов ҳайъати, шикоятдаги Т.Иргашевга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини айбланган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосига ўзгартириш ҳақидаги важи билан келишмайди.

Чунки, суд содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, маҳкум Т.Иргашевнинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини химоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келиб, унинг қилмиш жинойий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Шунингдек, суд Т.Иргашевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, иш бўйича етказилган зарарнинг ярмидан кўпини қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, ЖКда белгиланган айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига риоя қилган ҳолда айбланган моддаси санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш хусусида қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилган.

Бироқ, апелляция инстанцияси судида судланувчи Т.Иргашевнинг қариндошлари томонидан етказилган 70.925.000 сўм пуллар зарар учун тўланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддасининг 5-қисми талабига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, маҳкумларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг тўққизинчи бандида, судлар мазкур тоифадаги ишлар бўйича моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этишлари лозимлиги қайд этилган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди қонун талабидан келиб чиқиб, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қоплангани, Т.Иргашевнинг оилавий ва моддий аҳволи инобатга олиниб, суд ҳукмини ўзгартириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, судланган Т.Иргашевга нисбатан ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисми санкциясида назарда тутилмаган жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, қонуний қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасига кўра, тафтиш инстанцияси ишни кўриб чиқиб, биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли тафтиш инстанцияси суди, маҳкум Т.Иргашевга оид суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, Т.Иргашевга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартирган апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 510, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига асосланиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2022 йил 25 мартдаги Иргашев Тимур Турсунович (Irgashev Timur Tursunovich)га нисбатан чиқарилган ҳукмини ўзгартирган Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 20 апрелдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Д.Хонбўтаева

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

Ж.Каримов

/имзо/

Ф.Раҳманов

Ажрим нусхаси, аслига тўғри

М. Ҳузари судья:

Ф.Раҳманов

